

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

2022-YIL 18-FEVRAL, JUMA

№ 7 (1375)



“ИЛМ – ХАСТА КЎНГИЛ ЧИРОҒИ” Яна бир хайрли лойиҳа старт олди

Бутун дунёда 15 февраль – «Халқаро болалар онкологияси куни» деб белгиланган. Афсуски, ҳозирги кунда дунё бўйлаб жуда кўп мурғак болалар онкологик касалликлардан азият чекади. Ўзбекистонда ҳам болалар ўртасида шундай ҳолатларнинг учраб тургани соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирларимиз самарадорлигини янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Шу боисдан, фуқароларимиз айниқса, ёш авлоднинг саломатлигини сақлаш борасида «Адолат» социал-демократик партияси ҳамisha муҳим

ташабусларни илгари суриб, қатор ижобий натижаларга эришиб келмоқда. Мисол сифатида партия томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «БОР МЕХРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!» беғараз донорлик акцияси доирасидаги ижобий ишларни ёки болалар ўртасида стоматологик, сколиоз ва ясаситовонлик касалликларининг олдини олишга қаратилган қатор ташаббусларни, қолаверса, бемор болажонларга қувонч улашиш мақсадида «Янги йил кўчма арчаси» ва бошқа байрам тадбирлари ташкиллаштирилганлигини қайд этиш лозим.



Машҳурларнинг аёллари
Меҳр

ОҒУШИДАГИ ХОНАДОН

“Бу уйда Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов яшаб, ижод қилган (1941-2013)” дея ёзилган ва устоз барельефи ўрнатилган уйнинг кўнгиригини босар эканман, бармоқларим билинар-билимас титраётганини сездим. Бу, эҳтимол, ёшлигимизда қўлма-қўл бўлиб кетган китобларини таланиб, туиларни тонларга улаб ўқиб, бизни гоҳ йиғлатиб, гоҳ қувонтирган асарлар муаллифининг хонадониди бўлиш бахтига шукроналик, ич-ичимдан устозга хурмат-эҳтиром, муҳаббат туфайлидир...

Халқ маорифи аълоҳиси, I даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонли, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиббаси, кичик жуссали, очик чехрали, фариштамонанд, камсуқумгина Ўлмасхон ая Ҳошимова дарвозани очиб, устознинг ижодхонаси томон бошлайдилар.



Бугуннинг гапи Иллатни илдизи билан қуритиш керак

Яқинда Қашқадарё вилояти Муборак тумани ИИБ бошлиғи фуқарога ер олиб бериш учун пора олган вақтда қўлга олинди...

Миришкор тумани ҳоқими ўринбосари фуқарога 1000 гектар ер ажратишга ваъда бериб, бунинг эвазига 80 минг доллар талаб қилган...

Порахўрлик, таъмағирлик давлат ва жамият ривожига тўсиқ бўлувчи энг ёмон иллатлардан биридир. Раҳбар ҳодимларнинг бу ишга қўл уришини эса асло кегириб бўлмайди. Раҳбар қўл остидаги ҳодимларга фақат иш бошқарувчигина эмас, шу билан бирга ибрат тимсоли ҳам бўлиши зарур. Раҳбар таъмағир, порахўр бўлса, қўл остидаги ҳодимларга ими-жимиди шундай ўрناق кўрсатса, ўзи халққа кўмак берувчи вакил бўла туриб халқни таласа, хизмат вазифасини суиистеъмол қилса. Бундай жиноятчиларга қонун талаблари асосида, керак бўлса янада қаттиқроқ талаблар доирасида жазо қўлланилиши лозим. Токи порахўр раҳбарлар “мактаби”да савод чиқарганлар ўзлари учун тевишли хулосаларни чиқариб олишсин. “Бузоқнинг югургани сомонхонагача”, порахўрники эса қамоқхонага эканлигини биллиб қўйишсин. Шу нуқтаи назардан биз “Адолат” СДП фаоллари порахўр амалдорларга нисбатан кескин, қатъий жазо чоралари қўлланилиши тарафдоримиз. Давлат органлари фаолиятида очиклик, ошқоралик, шаффофлик тамой-

илларини кучайтириш, қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан жойларда олиб борилаётган чора-тадбирлар назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш жамиятимиз ривожини орқага тортаётган муаммоларга нисбатан муносиб ечим бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари саъй-ҳаракати билан барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ватанпарвар, профессионал ва фидойий инсонлар келишини таъминлашнинг ҳуқуқий мезонлари ишлаб чиқилмоқда. Жамиятимизда порахўрлик, коррупцияга нисбатан мутлақо муросасизлик маданиятини шакллантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Пировард мақсадимиз инсон кадр-қимматини юксакларга кўтариш экан, бундай шарафли йўлда жамиятимизда порахўрлик сингари чиркин иллатларни батамом, таг-томири билан сугуриб ташлашимиз лозим. Адолатли жамият ва адолатпарвар давлат қурилишининг барча жабҳаларида қонунчилик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилиш учун жамоатчилик, жумладан, партия назоратини кучайтириш катта аҳамият касб этади.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

Муносабат

Чорвачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш орқали

АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, серхосил тупроғи ва ўзига хос иқлим шароити барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам улкан натижаларга эришиш имконини беради. Шу боисдан, мамлакатимизда соҳани ҳар томонлама тараққий эттириш орқали йилнинг тўрт фаслида ҳам аҳолини сифатли ва арзон нархлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Сўнги беш йилда соҳага янада кўпроқ эътибор қаратилиб, унинг барча босқичларига замонавий илм-фан технологиялари кенг жорий қилинди. Ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва сув билан таъминланганлик ҳамда бошқа омиллари эътиборга олиниб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутган соҳа – чорвачилик тармоғини қўллаб-қувватлаш, соҳада илғор технологияларни кенг қўллаш орқали аҳолининг кундалик эҳтиёжидида муҳим аҳамиятга эга бўлган гўшт, сут ва туҳум ишлаб чиқариш миқдори оширилди.

Бу эса, ўз навбатида мамлакат аҳолисининг 60 фоизидан ортиқ қисми яшаётган қишлоқларнинг фаровонлик даражасини юксалтириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Шунингдек, соҳа тараққиётини таъминловчи бир қатор қонун ҳужжатлари ва стратегиялар ишлаб чиқилди. Жумладан, “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент фармонлари, Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси ва бошқа ташқилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

Аммо бугунги пандемия, иқлим ўзгаришлари, сув танқислиги ва табиат инжиқликлари каби омиллар соҳада амалга оширилаётган иланишларни янада жадаллаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари нарҳининг барқарорлигини сақлаб қолиш учун авваламбор соҳада ресурс тежовчи технологияларни кенгроқ қўллашни талаб этмоқда.

Шу боис 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда уни 2022 йил – “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида бир қатор мақсад ва вазифалар белгилаб олинган.

Хусусан, соҳада ишга солинмаган янги имкониятларда фойдаланиш орқали 2022 йилда чорвачилик йўналишида камида 300 минг, қўй-эчкичиликда 150 минг, пиллачиликда 1,2 миллион, жами 1 миллион 650 минг янги иш ўринларини яратиб, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсад қилинган. Бу ташаббус келгуси беш йилда камбағалликни камида 2 бараварга қисқартиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОЙДАЛАРИГА ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАЙЛИК!

Айрим ҳайдовчилар шу даражада йўл ҳаракати қоидаларини билмайдик, ҳаттоки, йўл белгилари бўлган пилдалар ўтадиган йўлакларда тўхтамасдан, автомобилни секинлатмасдан учириб ўтиб кетаверади

...светафорнинг қизил чироғи ёниб турган пайтда ҳайдовчилар ўта маданиятсизлик билан машина сигнални босаверади.

“МАҲАК ТОШИ”

Соҳибқирон “Тузуқлар”да эслатган мезон бугун ҳам унинг тақдирида такрорланмоқда

Якка ҳукмронлик фақат Яратганга хос, бу ҳолни ҳазратнинг ўзи ҳам тан олган. Сўнги видео сўзи – авлодларига васиятида шундай қалималар бор: “Оллоҳ таолодан умидим борки, гарчи гуноҳим кўп бўлса, бир жиҳатдан менга раҳмат қилгай – мазлумларни золимлар дастидан химоя қилсин. Менинг давримда ўрлардан ожизлар зулм қўрмади...”



“ИЛМ – ХАСТА КЎНГИЛ ЧИРОҒИ”

Яна бир хайрли лойиҳа старт олди

Юқоридаги тадбирларнинг узвий давоми сифатида жорий йилнинг 15 февраль куни партия ташаббуси билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиалида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги билан ҳамкорликда «Илм – хаста кўнгил чироғи» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирдан қўзланган асосий мақсад, онкологик касалликларни даволашга ихтисослашган тиббиёт марказларидаги бемор ўғил-қизларнинг бўш вақтини самарали ўтказишни ташкил этиш ва уларнинг шифо топишларига руҳан кўмак бериб, ўқув курслари ташкил этиш орқали хорижий тиллардан малакали таълим олишларига имконият яратиб беришни назарда тутуви

партия ташаббусини амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Тадбирда «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ҳамда Тошкент шаҳар кенгаши ходимлари, Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги масъуллари, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали шифокорлари, партия фаоллари, даволанаётган бемор болажонлар ҳамда ОАВлар вакиллари иштирок этди.

Хайрли мақсадларни қўлаб старт олаётган лойиҳанинг илк тадбирини «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов кириш сўзи билан очиб берди.

– Боланинг бегонаси бўлмайти. Мамлакатимиз келажаги, ёрқин истиқболи йўлида, энг аввало, ёшларимизни ва-

танпарварлик руҳида тарбиялашимиз, уларнинг сифатли таълим олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга ҳамisha камарбаста бўлмоғимиз лозим, – деди Баҳром Абдуҳалимов ўз чиқишида.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги директори ўринбосари Азимжон Ҳусановнинг хорижий тилларни ўргатишда Агентлик олдида турган муҳим вазифалар ва партия билан ҳамкорликнинг истиқболлари борасида билдирган мулоҳазалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали бош шифокори Дониёр Исхаков ҳамда Болалар онкологияси жарроҳлик бўлими мудир Ху-

сан Саидовнинг бемор болажонларнинг шифо топиб, илм ўрганишларида партия ташаббусининг аҳамияти хусусидаги фикрлари тадбир иштирокчиларида мазкур лойиҳага бўлган қизиқишни янада орттирди.

Эътиборлиси, тадбир жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги мутахассислари томонидан лойиҳа доирасидаги биринчи очик дарс ҳам ўтказилди.

Тадбир якунида бемор болажонларга партиянинг эсдалик совғалари ҳамда Агентликнинг махсус китоблари тақдим этилиб, ҳамкорлар билан келгусида амалга оширилиши режалаштирилган қатор масалаларда келишиб олинди.

Муродилло МАХМУДОВ,
«Адолат» СДП Марказий аппарати мутахассиси

Чорвачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш орқали АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ



Дилрабо ХОЛБОЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган чорвачилик тармоғини қўллаб-қувватлаш, соҳада илғор технологияларни кенг қўллаш орқали гўшт, сут ва тухум ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган видеоселектор йиғилишида ҳар бир вилоят ва туман-шаҳар кўрсаткичлари чуқур таҳлил қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Таҳлилларга кўра, 2019-2021 йилларда чорвачилик бўйича 8 турдаги субсидия ва имтиёзли кредитлар ажратиш йўлга қўйилиб, 4,5 мингга яқин лойиҳани амалга ошириш учун 15 триллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилган. Аммо яқунда ҳар бир ҳудудда соҳа масъуллари томонидан ўз вақтида етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги сабаб республика бўйича ҳар 2 кишига ўртача 1 та қорамол туғри келмоқда. Жумладан, бу кўрсаткич Наманган, Фарғонада 4 кишига 1 та, Тошкент вилояти ва Сурхондарёда 3 кишига 1 тани ташкил этган бўлса, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган ва Сурхондарёда йирик чорвачилик хўжалиқларининг сони қолган ҳудудларга нисбатан 1,5-2 баравар кам эканлигини кўрсатмоқда.

Шу боис, йиғилишда кооперация орқали чорвани кўпайтириш вазифаси қўйилди ва намунали тажрибалар кўрсатиб ўтилди. Жумладан, бугунги кунда Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманида «Тошматов Нормўмин» фермер хўжалиги Вори кишлотидаги хонадонларга қорамол, қўй-эчки тарқатиб, аҳолидан сут ва гўшт маҳсулотларини сотиб олмақда. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Тахитов туманидаги «Тахитов Чикенс» корхонаси хонадонларга хонаки парранда бериб, улардан инкубацион тухум сотиб олишни йўлга қўйган.

Келгусида ушбу тизим барча вилоят ва туманларда жорий этилиши белгилаб берилди. Бунинг учун жорий йил февралдан бошлаб, хорижий кредитлар 10 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан ажратилади, кредит фонзининг 14 фоиздан юқори қисмига компенсация ҳамда кредит суммасининг 50 фоизига каффиллик берилади, гидропоника усулида озука етиштириш учун ускуналар қаражатининг 20 фоиз қоплаб берилди.

Шунингдек, аҳолига ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида, 50 миллион сўмгача гаров таъминотсиз насли қўй ва эчки харид қилиш, сут, гўшт ва жунни қайта ишлаш ҳамда ем тайёрлаш цехлари ташкил этиш учун имтиёзли давр билан кредитлар ажратилади. Аҳолига кооперация асосида 350 минг бош қўй ва эчки тарқатилади. Ушбу мақсадлар учун эса 100 миллион доллар маблағ йўналтирилди.

Албатта, қўзланган натижалар самарасига эришишда барча соҳада бўлгани каби илм-фан ва илғор тажрибанинг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан, Самарқанд ветеринария медицинаси институти ваколатлари кенгайтирилиб, унда аҳоли ва фермерлар қисқа муддатли курсларда ўқитилади.

Хулоса қилиб айтганда, келгуси беш йилда чорвачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш ҳамда қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсификация ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромади оширилиши, аҳолининг турмуш фаровонлиги тўлақонли таъминланади.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ замонавий етакчиларни талаб қилади

Тарихга назар соладиган бўлсак, ҳар қандай қудратли давлатнинг юксалиши ва инқирозига инсон омили сабаб бўлганининг гувоҳи бўламиз. Халқ мақолида айтилганидек, «Агар бир йилни қўзласанг шолди эк, ўн йилни қўзласанг дарахт, агар юз йилни қўзласанг инсонни тарбия қил». Ўзбек халқи дунёда ҳеч кимдан кам бўлмастлиги, фарзандларнинг бахтли яшашини учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этади. Халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бутун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Сўнги йилларда мактабгача таълим муассасасидан тортиб, олий таълимгача улкан ислохотлар жараёни амалга оширилётганини кўриб турибмиз. Президентимизнинг 2022 йил 28 январда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз бўйича 10 130 та мактабни ислох қилиш зарурати хусусида тўхталиб ўтилди. Президентимиз ўқитиш методикаси дарсликларини ҳақида, юқори малакали илганувчан маҳорат мактабига эга муаллимларни рағбатлантириш хусусида, болаларни фирқашага чорлайдиган методикаларни жорий қилиш, дарсликларни илғор

тажрибалар асосида тўлиқ янгилаш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди. Дарҳақиқат, таълим тизимига шиддат билан кириб келаятган янги педагогик технологиялар, инновациялар, интерфаол методлар таълим берувчи томонидан ўзлаштирилиб ва қўланиб борилиши таълим жараёнига юксалишига хизмат қилади. Замонавий ўқитувчи дарс жараёнида ўз ўқувчиларини фанга ижодкорлик нуктаи назари билан қарашларини ташкил қилиши, уларда илганувчанлик хусусиятларини шакллантириши, мактаб соҳасидаги ислохотларда ўз самарасини бермасдан қолмади. Бунга биргина мисол, Самарқанд

шаҳридаги 43-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Суҳроб Муродов муддатидан олдин грант асосида АҚШнинг Жанубий Флорида университетининг талабаси бўлди. Мамлакатимизда бу каби иқтидорли йигит-қизлар нисбатан кам.

Президентимиз директорлар фаолиятига ҳам эътибор қаратиб, «Бизга сифатли таълим тизими, замон талабларига жавоб берадиган ва барча шарт-шароитларга эга мактаблар, уларда малакали педагог-кадрлар, бошқарувчилар ва лидерлик қобилиятига эга мактаб директорлари керак», деб таъкидлади.

Лидер фақатгина натижа учун ишлагандан, балки ўша ташкилотда хизмат қилаётган давлат хизматчисини ҳам, ташкилотнинг хизматидан фойдаланаётган халқни ҳам ўзида мамуният ҳиссини уйғотадиган шахсдир. Таълим муассаси раҳбарларининг шахсий хусусиятлари бошқа соҳада фаолият юритаётган бошқарувчилар билан солиштирилганда психологик жиҳатдан жуда катта фарқ қилишини кузатиш мумкин. Мактаб ўта мураккаб,

заргар меҳнатининг маҳсули каби нозик ва ноёб тизимдир. У бошқарувсиз яшаб, ривожлана олмайди. Фақат бизга бугун маъмурий буйруқбозлик, юқоридан туриб бошқариш эмас, мактаб ички бошқарувини, унинг бутун ташкилий фаолиятини меъёрий бошқариш билан мутлақо янги қирралди, хилма-хил фаолиятлар, инновациялар, ижодкорлик, янги ютуқларга илҳомлантирувчи ижодий жамоа меҳнатига асосланган, мактаблар ўртасида кечаётган мurosасиз курашни тез илғайдиган, тараққиётни тан оладиган, ижодийлик ва ташаббускорликка қанот бахш этувчи, адолат ва ҳақиқатни рўйба қарайдиган, билимдон, омилкор, ижодкор, талабчан, айна пайтда меҳрибон раҳбар бошқариши керак. Таълим муассасаси раҳбари томонидан чиқарилган нотўғри қарор нафақат жамоа ўртасидаги муҳитни бузди, балки энг асосий мақсад, биз учун ҳаёт – мамонт масаласи ҳисобланган ёш авлод тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолат давлат ва жамият тараққиётига тўғаноқ бўлади. Шу боис, таълим муассасасида раҳбарнинг ўрни, унинг асосий вазифалари, масъулияти ҳақида доимо қайғуриб меҳнат қилган, илмий изланишлар олиб борган, фидойий педагог тажрибаларини ўрганиш ҳам бугунги мактаб раҳбарлари учун фойдадан холи эмас. Хозирги кунда раҳбар ва лидер раҳбар тушунчаси қўллаб муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Албатта, замонавий мактаб таълимида раҳбар лидер бўлиши керак. Лидер раҳбар қандай бўлиши керак? Қатъиятли бўлиши, фан амалиёти бирлигига таяниш, шахсий масъулият ҳисси, вазифаларни аниқ ва тўғри тақсимлай олиш, талабчанлик, ўз вақтида ходим ишини баҳолай олиш, уни рағбатлантириш, ижронини назорат қила олиш, раҳбарликда жамоавий ёндашиш, ходимлар ишини қадрлаш, камтарлик ва оддийлик, хушмуомалалик, жамоа билан доимий алоқада ҳамфикр бўлиб, уларнинг қизиқиши ва эҳтиёжларига эътиборли бўлиш, китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш лидер раҳбарга хос хусусият саналади. Ўз соҳасининг жонкуяри бўлган лидер раҳбарлар фаолияти таълим тараққиёти ва жамият ривожини учун хизмат қилади.

Озода ДАМИНОВА,
Самарқанд шаҳридаги 19-умумий ўрта таълим мактаби директори

“АДОЛАТ” байроғи билан “ЯШИЛ МАКОН” га

Президентимиз ташаббуси билан бошланган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги кўчат экиш ишларида барча фуқаролар фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, «Адолат» СДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Мақсуд Ҳамидов бошчилигида вилоят ходимлари томонидан «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоят Кенгаши боғига 20 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Бундан қўзланган асосий мақсад, туман ва шаҳарларда ҳамда аҳоли пунктларида экологик вазият ва ҳаво тозаллигини яхшилаш бўлиб, худудни яшил маконга айлантиришда ташаббускорлик кўрсатишдан иборат.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси – бу бир йиллик тадбир эмас. Дарҳақиқат, яшаб турган жойимизни озода сақлаб, биздан кейинги авлод ҳам муносиб табиий муҳитда яшашлари учун бугун биз табиатга меҳр ва эътибор берсак, келажак авлод ҳам муносиб экологик шароитда яшайди. Бунинг учун биздан талаб қилинадиган биргина нарса, табиатни тоза сақлаган ҳолда ер ва сув ресурсларини, экологик тизимни асраш ҳамда кўчат экиб, боғ яратишдир.

Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати



«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси асосида бошланган яратувчилик ва ободонлаштириш ҳаракати Хўжабод туманида ҳам кенг қулоч ёзди. Эзгу ташаббусга қўшилган партиядошларимиз ва маҳаллий кенгаш депутатлари «Адолат» байроғи билан «Яшил макон»га шори остида маҳаллаларга кириб бордилар. Мақсад – жамоатчиликни ҳаракатга қорлас.

Тумандаги «Санотчи» ва «Солпи» МФЙларга кириб борганимизда кекса-ю ёш бини қўллаб-қувватлади. Шу куни хонадонлар ва кўчаларда тозалаш ишлари олиб борилди. 2000 тупдан ортиқ дарахт кўчати экилди.

«Адолат» СДП Жалақудуқ туман кенгаши фаоллари жамоатчилик орасида дарахт экиш инсон саломатлиги учун фойдали эканлигини тушунтирдилар. Агар ҳар биримиз 5 тупдан кўчат эксак, юртимиз яшилликка бурканиши ва бу инсон саломатлигига хизмат қилиши кенг тарғиб этилди.

Партиядошларимизнинг ташаббусига фаол ёшлар ва жамоатчилик вакиллари қўшилдилар. Улар томонидан экилган павлония дарахт кўчатлари тез кунда буй кўрсатади.

Ингитали БЕКБОЕВ, Барноҳон БОЗОРОВА,
«Адолат» СДП Хўжабод ва Жалақудуқ туман кенгашлари раислари

ИШОНЧ ОҚЛАНМОҚДА

Халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгаши депутатлик гуруҳи аъзолари фуқаролар муаммоларини ўрганиб, уларга ижобий ечим топишда фаоллик кўрсатишмоқда. Депутатлик гуруҳи томонидан мафкуравий ва дастурий вазифаларни амалга оширишга қаратилган бир қатор партия лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш чоралари кўрилмоқда.



Аҳолидан келиб тушган мурожаатлар ҳамда партия лойиҳалари доирасида олиб борилган ўрганишлар давомида аниқланган муаммолар юзасидан 2021 йилда халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгаши сессияларига жами 5 та масала, доимий комиссиялар йиғилишлари муҳокама-сига 27 та масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди ва ижроси юзасидан депутатлик назорати олиб борилди. Шунингдек, фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар юзасидан тегишли ташкилотларга 53 та депутатлик сўровлари чиқарилиб, ижроси назоратга олинди.

Маҳалладаги кам таъминланган оилалар ҳамда беморлар ҳолидан хабар олиб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди. Икки нафар фуқарони уй билан таъминлаш учун ер-жой ажратишга кўмаклашилди.

Депутат Амрулло Аевзов ташаббуси билан тумандаги Ша-роф Рашидов маҳалласи 2021 йил "Обод маҳалла" Давлат дастурига киритилиб, маҳалла обод ва кўркам қиёфага келди. Депутат томонидан "Шароф Рашидов" МФЙ ҳудудидagi "Деҳқонобод" қишлоғида яшовчи фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан тегишли ташкилотлар билан олиб борилган ишлар натижасида хонадонларга "Ўзтелеком" боғланмасининг телефон линиялари ўрнатилиб, интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти яратилди. Тумандаги "Янгиобод" қишлоғида кўшимча 12 та электр симёгочлари ўрнатилиб, кўшимча трансформатор ўрнатилишига эришилди.



Депутат Ҳазрат Мавлонов томонидан партиянинг "Биз коррупцияга қаршимиз" лойиҳаси доирасида туман Мактабгача таълим ташкилоти ходимлари, туман тиббиёт бирлашмаси ва Халқ банки ходимлари учун "Коррупция – таракқиёт кушандаси" мавзусида тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Шунингдек, депутат Ҳ.Мавлонов ҳомийлар билан биргаликда тумандаги "Қумбости" қишлоғидаги 41-сон мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларига ва "Фе-руза ёғду-2019" давлат хусусий тарбияланувчиларига мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларига совға-саломлар улашди.

Туман кенгаши депутати Назира Раҳматова томонидан "Қуришкент" МФЙ ҳудудидagi фуқароларнинг мурожаати асосида 15 та хонадон газ баллонлар билан таъ-

минланди. Депутат ташаббуси билан "Хотин-қизлар ўртасида ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш – соғлом ва адолатли жамият гарови" мавзусида давра суҳбати ҳамда партиянинг "Бор меҳримиз сенга, болажон!" лойиҳаси доирасида донорлик акцияси ташкил этилди.

Депутат Зулфия Ашурова кўмаги билан партиянинг "Муаммо билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида "Қалмақон" МФЙ аҳолиси иштирокида ўтказилган учрашувда келиб тушган мурожаатлар асосида ҳудуддаги Ф.Хўжаев ва "Истиклол" кўчаларининг ички йўллари, "Наврўз" кўчасидаги қабристон йўлаги асфальт қилинди ҳамда ушбу кўчага тунги чироқлар ўрнатилди. Шунингдек, ҳудуддаги "Наврўз" ва Ф.Хўжаев кўчаларида замон талабига мос келадиган замонавий кўприклар қурилишига эришилди.

Депутатлар томонидан сайловчиларга бўлган эътибор – партия ва депутатлар фаолиятига бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Шу билан бир қаторда халқни қийнаб келаётган муаммолар ўз ечимини топиб, инсонлар мушқули енгилашади. Шундай экан, депутатлик гуруҳи аъзолари халқ манфаати йўлида амалий ишларни тизимли йўлга қўйган ҳолда ўз фаолиятини давом эттириши ижобий самара келтириши шубҳасиз.

Бухоро вилояти кенгаши матбуот хизмати



МУЛОҚОТДА МУАММОЛАР ОЙДИНЛАШДИ



Халқ депутатлари Қибрай туман Кенгаши депутати Дониёр Юсупов ўз сайловчилари билан навбатдаги учрашувини ўтказди. Депутат 2021 йил якунлари бўйича сайловчилари олдида хисоб бериб, халқ ноиб сифатида аҳолидан келиб тушган мурожаатларнинг кўриб чиқилганини, ижобий ечимлари ва ечилмаган муаммоларнинг сабаблари тўғрисида маълумот берди.

Қолиб келаётган ички кўчаларга асфальт ётқизиш, эскирган симёгочларни янгисига алмаштириш, трансформатор ўрнатиш, "Мирзо Улуғбек" маҳалласидаги "Бинокор" ва "Қорамурт" кўчалари кесимчасига светофор ўрнатиш бўйича мурожаатлар ечими ўрганилди.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги "Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

ҳақида"ги қарори мазмун-моҳияти йиғилганларга тушултирилди. Ташаббусли бюджет жараёнида фуқаролар томонидан "офлайн" тарзда иштирок этиш тартиби бе-кор қилиниб, интернет тармоғига уланиш имконияти мавжуд бўлмаган шахслар учун маҳалла ва овулларда ташкил этилган "Ташаббускорлар бурчаги" орқали ўз таклифларини билдиришлари ёки овоз беришлари жорий этилаётгани ҳақида маълумот берилиб, шунинг ўзида ҳар бир маҳалладаги энг долзарб масалалар муҳокама этилди ва кўпни кўрган нуронийлар билан келишилган ҳолда ҳар бир маҳалла томонидан "Очиқ бюджет" портали орқали таклифлар қолдиришга келишиб олинди. Ҳисобот учрашувининг давоми сифатида, қилинган мурожаатлар жойига бориб ўрганилди. Айнан муаммо сифатида кўтарилган светофор масаласининг қай даражада жиддий эканлиги масъуллар билан биргаликда текшириб кўрилди. Депутат масала юзасидан "Қибрай йўллардан фойдаланиш" унитар корхонаси раҳбари Ш.Зайниддиновга депутат сўровини юборди.

Тошкент вилояти кенгаши матбуот хизмати

Халқимизда "Йўл қуриш — савоб" деган нақл бор. Дарҳақиқат, кичик бир йўл ёки кўприк бунёд этилиши туфайли қанчадан-қанча одамлар мушқули осонлашиб, манзили яқинлашади. Айни кунларда носоз йўللارни созлаш, айниқса, қишлоқлардаги таъмирталаб йўллар, ички йўллارни таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари жадал суръатларга кирганлиги эътирофга лойиқ. Айниқса, бу борада депутатларимиз томонидан ҳам кенг қўламли ишлар амалга ошириляётганлиги эса қувонарли ҳолдир.

КўЧАЛАР ОБОД БЎЛМОҚДА



Хусусан, халқ депутатлари Сарийосиё туман Кенгаши депутати Қумридин Насриддинов ҳам шундай савобли ишга бош қўшган депутатларимиздан бири. Унинг ташаббуси билан тумандаги "Шарқ юлдузи" МФЙдаги 2,5 километр узунликдаги ички йўлларга шағал ётқи-зилди.

Депутат аҳоли мурожаатларини ўрганиб, туман "Йўлқурилиш" ДУК корхонаси раҳбариятига депутатлик сўрови юборди. Мутасаддилар томонидан депутат сўровига жавобан шағал ётқизиш ишлари тезда ҳал бўлиши билдирилди, айтилганидек, тез орада муаммо барҳам топди.

Ана шундай савоб ишларга бош қўшаётган халқ ноибларидан яна бири халқ депутатлари Бандихон туман Кенгаши депутати Эркин-жон Жўраевдир. У зиммасидаги масъулиятни яхши англаган ҳолда туман аҳолиси муаммоларини ўрганиб, савобли ишларни мунтазам бажариб келаётган фаол депутатлардан бири саналади. Депутат фаолияти давомида аҳоли билан учрашувларда "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинидаги муаммолардан бири – таъмирталаб ички йўллар муаммосини ҳал қилди. Қувонарлиси шундаки, депутат мазкур маҳалладаги 1,5 километр узунликдаги ички йўлларга тош ётқизиб, маҳалла аҳлига қулайлик ярати-б берди.

Ушбу муаммо юзасидан ўзимиз ишонч билдирган депутатга мурожаат қилишга қарор қилдик. Ўз фаолияти, жонқурлиги билан сайловчилар ишончини қозонган депутат бу масалани ижобий ҳал қилишга астойдил киришди. Депутатимиз томонидан депутатлик сўрови чиқари-лди. Депутат мазкур масаланинг қисқа муддат ичда тумандаги сектор ва мутасадди раҳбарларга нечоғлик долзарб эканлигини тушу-нтира олди. Натижада муаммо ўз ечимини топди. Ниҳоят депутат ташаббуси билан кўчанинг 1500 метр қисмига тўлиқ тош-шағал қоп-ламаси ётқизиб берилди – дейди "Наврўз" МФЙ раиси Умурзоқ Мавло-нов.

Аҳоли томонидан келиб тушаётган ҳар бир мурожаат назоратга олинаётганлиги, уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинаётгани жойларда фаолият олиб бораётган партия фаоллари ва депутатларимизнинг аҳоли ишончини қозонишига ҳамда электротар вакиллари ва кенг жамоатчилик ўртасида партиянинг сиёсий обрўси янада ошишига ҳисса қўиши табиий.

Гулшод ТУРСОАТОВА, Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот котиби



МУРОЖААТЛАР ЎЗ ВАҚТИДА КўРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутати У.Хожамуратов 2-феврал куни ўз сайлов округи бўлган Нукус шаҳрида жойлашган «Бақшылық» МФЙда фуқаролар билан учрашди.

Депутат учрашув давомида маҳалла фуқаролари йиғинида мавжуд муам-моларни ўрганган ҳолда бир қанча мурожаатларни қабул қилди. Шулар жум-ласидан «Бақшылық» кўчасида истиқомат қилувчи аҳоли мурожаатига кўра симёгочларнинг эскиргани, алмаштириш зарурлиги билдирилди.

Мазкур мурожаат юзасидан депутатимиз шаҳар электр тармоқлари кор-хонасига депутатлик сўрови чиқарган ҳолда ижобий натижага эришди. Ҳо-зирги кунда Нукус шаҳридаги «Бақшылық» маҳалла фуқаролари йиғинида жойлашган «Бақшылық» кўчасига бетондан ишланган электр столбалари олиб келиниб, ўрнатиш ишлари бошланди.

Натижада иш фаолиятидан мамнун бўлган сайловчилар ўзлари сайлаган депутатидан ва амалга оширилган ишлардан миннатдор.

Расул ҚУДИЯРОВ, «Адолат» СДП Нукус шаҳар кенгаши раиси

Биласиз, коррупция давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, давлатнинг конституциявий асосларини ва қонун устуворлигини заифлаштирди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Унга қарши курашиш бутун дунё мамлакатларининг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.



Собир ТУРСУНОВ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, педагогика фанлари доктори

Коррупция – жамият қушандаси

ОДАМЛАРИМИЗ ЯНГИЧА ФИКРЛАШГА ЎРГАНДИ

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиб улгурди. Буни сўнги йилларда соҳага оид қабул қилинган концептуал аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупциянинг олдини олишга қаратилган маъмурий ислохотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу борада яна бир муҳим жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Давлатимиз раҳбари ўз ваколатига киришиши билан Президент сифатида имзо чеккан энг биринчи ҳужжат «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини бўлди.

Президентимиз коррупцияга қарши кураш эълон қилганда, айримлар хаёлида яна катта минбарда айтилган умумий гап, деган фикр пайдо бўлди, айримлар эса буни охириги огоҳлантириш сифатида жиддий қабул қилмади. Лекин охириги йил натижалари, коррупцияга қарши эълон қилинган кураш Янги Ўзбекистон — очик Ўзбекистон амалиётига тўлиқ мос келишини кўрсатди. Давлат ташкилотлари ҳамда тадбиркорликнинг барча бўғинларида коррупцияга қарши аёвсиз кураш олиб борилаётганлиги намоён бўлди.

Ноконуний ишга қўл урган ўнлаб раҳбар ва тадбиркорлар ўзларининг қилмишларига яраша жазо олдилар ва энг муҳими, бу ҳолатлар очик-ошқора оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилиниши бошланди. Илгари бунақа қинғир иш учун жазо белгиланганда бу ишлар ошқор қилинмасдан ёлди-ёлди билан ўтиб кетарди ва натижада халқ нима учун у ёки бу раҳбар, тадбиркор ишдан кетганига турли тахминларни билдирарди.

Қувонарлиси, бу курашда жамият бефарқ эмас. Одамларимиз янгича фикрлашга ўрганишди. Маиший коррупцияга бефарқ бўлмаслик фикри шаклланди.

Очик айтиш керак, илгари баъзи ёшлар ишга-ўқишга киришда «танк» аси борлигидан фахрланишарди. Коррупция ҳолатлари, асосан, талабалик сафига қабул қилиш, ўқиш жараёнида топшириладиган турли синовлар, талабаларнинг битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, магистратурага қабул, шунингдек, талабаларнинг ўқиш жойини кўчириш, ўқиш йўналишини ўзгартириш ҳамда ўқишга қайта тиклашда коррупция ҳолатлари кузатилади.

Бугунги кунда бундай иллатларни келтириб чиқараётган омилларга барҳам берилди. Бунда, аввало, бугунги глобаллашув макони ва замонида барча соҳаларнинг электронлашуви муҳим омил бўлди. Бу эса ҳокимият органларининг халқ олдида шаффоф ва адолатли хизмат кўрсатиши, шунингдек, очиклик ва қонунийлик принципининг бош мезони бўлмоқда.

Электрон ҳуқуқнинг коррупцияни камайтириш учун аҳамияти илмий тадқиқотларда ҳам, сиёсий нуқтаи назарларда ҳам кенг эътироф этилган. Шу билан бирга, электрон ҳуқуқат ва коррупция ўртасидаги боғлиқлиқни ўзига хос даражада англаш мумкин.

Коррупцияга қарши муросасиз муҳитни яратиш жамоатчилиқнинг кенг иштирокида амалга оширилмоқда. Хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тизими тубдан такомиллаштирилиб, Президентнинг Халқ ва Виртуал қабулхоналари, «Ишонч телефони» ҳамда ҳар бир вазирлик ва давлат идораларининг «ишонч телефонлари», «виртуал қабулхоналари» ташкил қилиниб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида барча даражадаги давлат раҳбарларининг «сайёр қабуллар» ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Энди вазият ўзгарди. Очиклик принципи эълон қилинди. Энди айбдорлар нафақат жиноий жавобгарликка тортиляпти, балки бутун халқ олдида исми ва кирдиқорлари ошқор этилиб, тегишли баҳоси берилляпти. Ушбу жиноятларни очикдан-очик эълон қилиб, коррупцияни бартараф этиш бўйича амалий ишларни якунига етказиш ҳамда унинг илдизига болта уриш учун давлат раҳбаримизда катта истак ва кучли сиёсий ирода мавжудлигини кўраёلمиз.

Албатта, бажарилган ишлар салмоқли. Аммо биз кечаги ишимизнинг натижасига маҳлиё бўлиб қолсак, эртанги ишимизнинг якуни биз кутган-чалик бўлмаслиги табиий. Шу нуқтаи назардан, ушбу иллатга қарши бир-галикда муросасиз курашишимиз шарт ва зарур.



ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОЙДАЛАРИГА ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАЙЛИК!

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ўта муҳим ва кечиктириб бўлмас масала муҳокама қилинди.

Эътибор беринг, биргина ўтган йили йўлларда 10 мингдан зиёд авария содир этилиб, уларда 9 мингдан ортик фуқаро жароҳатланган. Ҳар қандай кишини чуқур ўйга толдирадиган томони шундаки, 2,5 мингга яқин одам, шу жумладан 263 нафар бегуноҳ бола ҳалок бўлган. Бу ҳақиқатдан ҳам фожеадир.

Йўлларда ўз автомашинам билан хизмат юзасидан кўп юраман. Ҳақиқатдан ҳам ҳайдовчиларнинг жуда кўпчилиги йўл ҳаракати қоидаларига мутлақо риоя қилмайди. Ҳаракат тезлиги 50 белгиланган жойда бемалол 80 билан, 70 белгиланган жойда эса, 100-110 билан хотиржам йўлда давом этаверади. Шу ўринда кишининг газабини кўзгайдиган икки ҳолат ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Негаки, шахсан ўзим ҳам буни йўл ҳаракати давомида бир неча бор кузатганман. Айрим ҳайдовчилар шу даражада йўл ҳаракати қоидаларини билмайдики, ҳаттоки, йўл белгилари бўлган пиледалар ўтадиган йўлларда тўтамасдан, автомашинали секинлатмасдан учуриб ўтиб кетаверади. Иккинчи ҳолат светофорнинг қизил чироғи ёниб

турган пайтда ҳайдовчилар ўта маданиятсизлик билан машина сигнални босаверади. Тўғриси, ўзим ҳам бошқариб бораётган автомобильнинг балони ёрилдики ёки эшиклар очик қолдики ё бошқа бир кўнгилсиз ҳолат юз бердики, деб аланглаб қоламан.

Президентимиз жуда тўғри таъкидлаганларидек, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан сира ҳам кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш керак. Ўтказилган видеоселекторда бизнинг вилоятимиздаги Ғузор, Чироқчи йўлларида содир этилаётган авариялар давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида тилга олиб ўтилди.

Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, Сенат йиғилишларида Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъ-

минлаш масъулларининг фаолияти ҳақиқатдан ҳам бирор марта ҳам кўриб чиқилиб, муҳокама қилинмаган. Биз, депутатлар бундан буён йўл ҳаракати хавфсизлигини кучайтириш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларига кўшимчалар киритиш юзасидан ўз таклифларимизни билдириб борамиз. Рақамлаштириш ишларини тезлаштиришни алоҳида назоратга оламиз.

Президентимиз мамлакатимизда фаолият олиб бораётган автомактаблар фаолиятига ҳам жиддий эътибор қаратдилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, инсон ҳаёти билан ўйнашиб бўладими? Автомактабларда тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун ўқишга топширган фуқаролар машгулотларга мутлақо келмасдан ҳужжат олиб кетапти. Бу эртага йўл қоидасини билмайди-

ган ҳайдовчи автомобиль бошқараётганда ҳам ўзининг, ҳам ўзганин ҳаётини хавф остига қўяди-ку. Шу жиҳатдан Президентимиз топшириқларига асосан, уч ой муддатда вилоятимизда ҳам замонвий автомактаб ва имтиҳон марказларини ташкил этиш чораларини кўраёلمиз.

Бундан буён ҳайдовчиларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларни адолат тамойиллари асосида имтиҳон қилиш тизимини яратиш устида ҳам ишлар бошлаб юборилди.

Умуман олганда, партия фаоли сифатида айтишим керакки, Президентимиз ҳар биримиз ҳар кунни дуч келадиган ўта муҳим ва долзарб масала – йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб бердилар. Буни амалга ошириш, жойларда ижросини таъминлаш бизнинг эркин ва фаровон ҳаётимиз, янги Ўзбекистонда ошуда умр кечиршимиз гарови эканлигини унутмайлик.

Руиддин РАУПОВ, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати

Муносабат

ФАРОВОНЛИККА ЭЛТУВЧИ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

Маълумки, ўтган 5 йил мобайнида бошқа жабҳалар қатори мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Аммо ҳали бу борадаги ишлар етарли эмас. Бинобарин, давлатимиз раҳбари томонидан 2022 йил 28 январь кунини имзолаган «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонда ҳам айни масала 7 та энг устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Айни мазкур устувор йўналишларнинг иккинчиси – мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу йўналиш тараққиёт стратегиясида белгиланган 100 та мақсаднинг 8 тасини, аниқроғи 13-20-мақсадларни ўз ичига олади. Мен эса судья сифатида айнан ўзим меҳнат қилаётган тизимга тааллуқли мақсад ва вазифалар хусусида фикр билдирмоқчиман. Жумладан, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатилган ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш, маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини қўллаш соҳасини кенгайтириш, «Хабас корпус» институтини янада ривожлантириш орқали тергов устидан суд назоратини кучайтириш, суд процессида томонларнинг ҳақиқий тенглик ва тортишув тамойилларини рўёбга чиқариш, судлар тизимида «ягона дарча» тамойилини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъий назар қабул қилиш ва ваколатли судга юбориш ҳамда муайян иш доирасида барча ҳуқуқий оқибатларни ҳал қилишни таъминлаш тизимини жорий этиш, суд тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш, бюрократик гов ва тўсиқларни бартараф этиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини тубдан ошириш, низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларидан кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ярашув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини янада ошириш, судьяларнинг

ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш ҳамда судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни яратиш, судьялар корпусини шакллантиришда очиклик ва шаффофликни таъминлаш, суд тизимидаги раҳбарлик лавозимларига тайинлашда сайланиш ва ҳисобдорлик каби демократик тамойилларни жорий этиш, суд тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ишларини олиб бориш каби вазифалар 15-мақсад сифатида қайд этилган. Ёки 18-мақсадга биноан, келгуси 5 йилда суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг жорий этишнинг самарали механизминини жорий этиш, бунинг учун муқобил, шу жумладан суддан ташқари усуллардан фойдаланиш қўламини кенгайтириш, мажбурий иккоро органлари фаолиятига халқаро стандартларни босқичма-босқич жорий этиш ва айрим функцияларни (суд ҳужжатларидан ташқари) хусусий секторга ўтказиш, давлат ижрочилари иш юклагасини камайтириш белгиланган.

Агар 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури»га назар ташласак, жорий йилда иқтисодий судларда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги даъволар юзасидан регрессив (камайиб борувчи) давлат божи ставкаларини қўллаш, иш фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий судга тааллуқли бўлишдан қатъий назар, уни ушбу судлар томонидан қабул қилиш ва судга тааллуқлига кўра тегишли судга юбориш тарти-

бини белгилаш, судьялик лавозимига номзодларни тайинлаш жараёнида Судьялар ҳамжамияти органларининг аниқ ваколатини белгилаш, судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини очик тарзда таъминлаш, уларнинг ҳолислиги ва бегаразлигини таъминлаш, судлар томонидан ижро варақаларини инсон омилсиз электрон шаклда юбориш имконини берувчи электрон платформа яратиш орқали ушбу жараёни тўлиқ рақамлаштириш, ижро жараёнини шаффоф тарзда масофадан туриб онлайн кузатиб бориш имконини яратиш, суд томонидан тайинланган жарималарни махсус ракам бўйича тўлаш тизимини соддалаштириш сингари вазифалар амалга оширилиши лозимлигини кўраимиз.

Энди ҳақли савол туғилади: хўш, тилга олинган вазифалар амалга оширилиши билан қўзланган мақсадларга эришиб бўладими? Йўқ, албатта.

Адолат ва қонун устуворлигининг таъминлини юртдошларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти, уларда қонунларга ҳурмат ҳисси нечоғлиқ шаклланганига ҳам боғлиқ. Шу боис тараққиёт стратегиясининг айнан 20-мақсади мазкур масалага қаратилган. Унга кўра, фаол фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва итоат қилиш ҳиссини шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва таълим ташкилотлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш, тадбиркорлар ва аҳоли, айниқса, унинг кам таъминланган қатламлари учун ҳуқуқий ҳужжатларни юрист иштирокисиз тайёрлаш имконини берувчи «Legal Tech» платформасини ишга тушириш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси судларни чинакам адолат кўрғонига айлантириш борасида дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

Жамила АҚРАМОВА, Фарғона туманлараро иқтисодий суднинг судьяси

Ибрат

ЖАЛОЛИДДИН РУМЎИЙ

Сенинг дунёга қараган деразанг кир бўлса, албатта, менинг боғимдаги гулларим ҳам хунук кўринади.

1 Устознинг ижодхонаси мўъжазгина, китобларга тўла жавонлар, ёзув столи ва уларнинг сиймолари акс этган портретлари... Худди ишга кетганлару, қайтадиган вақтлари бўлиб қолгандай саранжом-саришта.

Улмасхон ая ён-атрофга ишора қилганча:

– Мана шу хона уларнинг асарлари тузилган ижодхоналари... Уларни каби оддий ва камтаргина... – дейдилар меҳр ва соғинчга тўла ҳорғинлик билан.

Нақадар буюк ва муқаддас гўша, дейди ич-ичимда бир овоз. Соғинч ҳақида савол бермоқчи бўламан-у, юрагим бетламайди.

Ая ёшлик йилларини эслар эканлар, чехраларида ажиб бир нур балқиди гўё.

– У киши олиғоҳнинг журналистика, мен эса филология факультетида тахсил олганмиз. 3-курсда танишганмиз. Кўнгли яқинлиги туфайли бўлса керак, бир-биримизни яхши тушунар эдик. 1969 йилда тўйимиз бўлганида у киши "Тошкент оқшоми" газетасида ишлар, мен эса аспирантурада ўқир эдим. Мумтоз адабиётга ихлосим баландлиги боис илмий иш қилиш ниятида эдим. Мени университетда ишга олиб қилишди. Талабаларга адабиёт назарияси ва чет эл адабиётинда сабоқ берардим. Қайнонам раҳматли жуда кексайтиб қолганлари учун илмий ишимни тўхтатишга қарор қилганман.



Меҳр ОҒУШИДАГИ ХОНАДОН

– Янги оила... Унга қўниқиб кетгунча муаммолар бўлганми?

– Биз оддий ва камтарона ҳаёт кечирганмиз. Ха, биз шундай яшадик... Аммо меҳр-муҳаббатли... Адиб оддий ва зиели оилада вояга етганлар. Болалари, отаси зиели, ўқимишли одамлар бўлишган, савдо-сотик, деҳқончилик билан шуғулланишган. Уларнинг боболари "Абулқосим мадрасаси"ни курдирган, ўша даврдаги шаҳар ва музофотнинг энг эътиборли кишии Абулқосим эшон бўлган. Отаси Атаулла Ҳошимов ишчи бўлиб, хийла тажанг, камгап, ҳақпараст инсон бўлганлар. Қайнонам Ҳақима ая меҳнаткаш, содда, камтар, халқ оғзаки ижодини яхши биладиган, лапарларни дундириб айтадиган аёл эдилар. У киши шу қадар меҳрибон ва камтар эдилар-ки, бирон марта дилимни оғритмаганлар, десам ишон-веринг. Маҳалла-қўй у кишини "пошош оий" деб чақирса, қайнонам мени эр-калаб "пошош келин" деб чақирардилар. Улардан жуда миннатдорман. Менга кўп нарса ўргатганлар: муомала маданияти, уй юмушлари, бола тарбияси. Қайнонам, онам ва буйимлар мени оилада чидамли, сабр-қаноатли бўлишга, одамларга меҳрибон бўлишга ўргатишган.

"Дўмбиробод" қишлоғидаги шундай оилага келин бўлиб тушганимдан ҳалигача фахрланаман. Бу қишлоқнинг одамлари ҳам, мен келин бўлиб тушган хонадон кишилари ҳам жуда меҳрибон ва ажойиб инсонлар. Қишлоқ ҳақида кейинчалик адибнинг ўзлари: "Мен пойтахтнинг қоқ биқинидаги қишлоқда туғилдим... Қаламкашга қишлоқнинг қалби, шаҳарнинг ақли керак", деб ёзган эдилар.

мини қўларидан базўр олиб қолдим. Қарасам, сарлавҳаси "Эртага куз". Ўқисам, бинойидек ёзилган.

"Бўлмайдил! Сигаяпти! Хом!" дедилар. Орадан икки йил ўтган, "Икки эшик ораси" ёзиб тугатилган, нима хом ва нима сигаятганини англадим. "Икки эшик ораси"дек салмоқли, фалсафий, психологик роман аввалги услубга ҳам, қолип(композиция)га ҳам сиғиши мумкин эмас эди... Бу роман минглаб ўзбек хонадонларига етиб борди, деярли уч юз минг нусхада ўн марта нашр қилинди, бошқа тилларга таржима қилинди.

Адиб ҳаётда нимага-ки эришган бўлсалар, ҳаммасига ўз билими, иқтидори, меҳнати билан эришганлар. Ўз усталирида ишлашдан чарчамас эдилар. Ана шу меҳнатқашликлари билан ўзларига йўл очардилар. У кишининг Аллоҳ берган туғма истеъдодлари бор эди. Асарларида ҳам илоҳийлик бор. Ана шу нарса асарларини умрбоқий қилган бўлса керак. Негаки, қай бир асарини қайси замон ёки қайси вақтда ўқисангиз ҳам ҳозиргина ёзилгандай, бугунги воқеаларни ўз ичига олгандай бўлаверади.

– Устознинг ҳаётда ёқтирган ва ёқтирмаганлари...

– Ёлғонни, иккиюзламачиликни, лаганбардорликни ёмон кўрардилар. Бундай инсонлар билан сира мурося қила олмас эдилар.



– Устознинг ҳеч кимга ўхшамасган, ўзига хос хислатлари ҳақида гапирсангиз.

– Жуда адолатпарвар инсон эдилар. Ноҳақликни кўрсалар "ёниб" кетардилар. Бу хислатлари асарларида ҳам акс этган. Шу билан бирга, камсукум, жуда хокисор инсон эдилар. Шу қадар камтар эдилар-ки, ҳеч қачон бирон бир жойда ўзини кўрсатишга ҳаракат қилмаганлар, таъмағирлик деган иллат уларга бегона эди. Оддий яшашни, оддийликни яхши кўрар эдилар. Ҳашаматли ҳаётга интилаганлар ва дабдабани ёмон кўрардилар. Бу характер менда ҳам бор. Мен ҳам дабдабани ёқтирмайман ва зеб-зийнатга умуман қизиқмаганман. Бу бизнинг ўй-шаш томонларимиз.

Шу билан бирга, у киши ўта самими, қалби тоза, хушфёъл, шинаванда, одамхон инсон бўлганликлари учун бўлса керак, дўстлари, шоғирдлари кўп эди. Ёш ижодкорларни қўллашга интилар, устозларини ҳурмат қилар, улар билан ака-укасидек яқин муносабатда бўлар эдилар. Бу "Шумликлар"га кирган ҳангомаларда ҳам акс этган.

Жуда тиришқоқ ва меҳнаткаш эдилар. Ижод жараёнида ўзларини аямас, ўзларига нисбатан ўта шафқатсиз эдилар. Ижодхоналарига кириб, бир асарни ёза бошласалар, кечаю-кундуз бош кўтармай ишлар эдилар. Айнқиса, асарни тугатганларидан кейин ҳар бир сатрни қайта кўриб чиқишга катта эътибор қаратар эдилар. Бирон сўз такорро ишлатилмаслиги керак эди.

Бир гал Абхазиянинг Пицунда шаҳрига бордик. Ёзувчилар ижодий уйи томонидан ажратилган хонага жойлашдик. Мен болаларни денгиз бўйига олиб бораман, у киши хонадан чиқмай ишга шўнғидилар. Орадан 10 кунча вақт ўтди. Бир кун хонага қайт-сак, ёзган 100 бетча нарсанини йиртиб ташлаётдилар. Қўлёманинг бир қис-

ҳатто пашша учса эшитиларди. Болаларимиз ҳам жуда сезгир, одобли, интизомли бўлиб, отасини жуда яхши кўриб, хурмат қилганликлари учун уларнинг ижод жараёнларига халақит бермасликка ҳаракат қилишарди.

Адиб оилабоши сифатида жуда зукко эдилар. Ҳар куни бир бора хонадонимизга разм солиб, нима камчиликлар борлигини аниқлаш ва рўзгор камчиликларини шу кунгича бутлаб қўйиш ҳаракатида бўлардилар.

– Оналарига, сизга муносабатлари ҳақида ҳам тўхтамсангиз.

– У киши онасига ҳам, менга ҳам жуда меҳрибон эдилар. Умуман барча аёлларнинг хурматини жойига қўярдилар. Адиб оналарини шу қадар яхши кўриб эъзозлар эдилар-ки, буни "Дунёнинг ишлари"ни ўқиган ҳар бир китобхон ҳис қилиши мумкин. Нашрдан чиққан ҳар бир китобини биринчи бўлиб: "Менинг биринчи устозимга!" деган дастхат билан оналарига берар эдилар. Қайнонам ҳам бундай эҳтиромга юз қарра лойиқ аёл эдилар. Содда, меҳнаткаш, самими, жонқур, хоксор... Вақт ўтиб англадим-ки, меҳр меҳрини етаклаб келар экан. Қайнонамнинг меҳри ўғилларига, менга ўтди, бизнинг меҳр-муҳаббатимиз эса зурриёдларимизга юкди. Шу боис хонадонимиз меҳр шўъласи билан чароғон. Қайнона-қайнонамга ҳавасим келади. Байласизми, нима учун? Менинг турмуш ўртоғимдай олийжаноб фарзанд тарбиялаганлари учун!

– Инсон қанчалик мукамал бўлмасин, оилада бир-бирини тушунамаслик ҳолатлари бўлиб туради, шундай эмасми?

– Тушунмовчилик бўлган ҳолатларда биз арқонни узун ташлаб қўярдик. У киши ташқарига, очиқ ҳавога чиқиб бир айлини келардилар, мен эса жим ишимни қилиб юраверардим. Келишлари билан илгаригидай гаплашиб кетаверар эдилар. Иккалаимиз ҳам гина ва кек сақламаганмиз.

– Болалар тарбиясида кўпроқ нималарга эътибор қаратар эдилар?

– "Оилани муқаддас билмаганлар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ", деб ёзган эдилар ўз битикларида адиб. Яна Фаррух ва Юлдуз ҳақида: "Менинг иккита энг қимматли "асарим" бор. Бири ўғлим, бири қизим", деб кўп бора такорролар эдилар. Ота сифатида ўзи фарзандларига ўрнак кўрсатиш орқали тарбия берардилар. Меҳрибон бўлиш билан бирга керак пайтида талабчан ҳам эдилар. Бироқ, ҳеч қачон болаларини уришганини, ҳатто овозларини баланд кўтарганларини кўрмаганман ҳам, эшитмаганман ҳам. Болалар отасининг дилидаги фикрини нигоҳларидан билиб олишарди: қарашларининг ўзиёқ уларни тинчитарди. Улар бирон ноҳўя иш қилиб қўйишса, койиш, уришиш ўрнига ибратли бир эртак ёки ҳикоя айтиб берардилар. Керакли ўринларда болалар ўз хатоларини тўғри англашлари учун таъкид оханги кучлироқ бўларди. Шу йўсин улар нима яхши-ю, нима ёмонлигини, нима тўғри-ю нима нотўғрилигини англашга ўргатилар эди. Мабодо ўртоғи билан аразлашиб қолганини сезсалар, насиҳат қилардилар: "Яхшилаб ўйлаб кўр, қилган ишинг тўғри бўлса



ўртоғингга тушунтир, нотўғри бўлса, кеңирим сўра".

Фарзандларига оилапарвар, сабр-қаноатли, одамларга меҳрли бўлишни, уларнинг қалб изтиробларини ҳис қилишни, муҳтожга ёрдам қўлини чўзишни, ҳаромдан ҳазар қилишни ўқитардилар. Шунинг учун ҳам улар ўз билими, ҳаракат ва интилишлари билан ўқий, ишлаш ва ҳалол яшашга ўргандилар. Чунки ота: "...обру қозонишининг энг ҳалол йўли – меҳнат ва камтарлик", деган фикрларини уларнинг онгига сингдирган эди.

Бир гапни кўп такорролардилар: "Ота учун бола жавобгар эмас. Аммо бола учун ота жавобгар. Ота болани дунёга келтирди ва тарбиялайди". Дарҳақиқат, оила тинчлиги, тотувлиги, аввало, катталарга боғлиқ. Ота ақли, она оқила, саранжом-саришта, пазанда бўлса, оила мустаҳкам бўлади.

Неваралари ёнида ўзлари ҳам болага айлаиб қолар, болаларнинг беғубор қийқириғи, адибнинг самими кулгулари ҳовлини тутар эди. Уларга эртак айтиб беришни қўйиллардилар: "Али болам, бали болам, эшигингни оч...", "...чори чамбар, бири анбар, оёгингни торт...", "...ўнғ қўлимдан тортигина, чап қўлимдан торт..." каби ҳикояларини невараларимиз ҳалигача эслаб ўтиришимиз.

– Сиз ҳам узок йиллар педагог сифатида фаолият юритгансиз. Сизни оила юмушлари, кундалик таъинлар, бунинг устига ижодкор инжонликларини қарчатамангизми?

– Инсон бир-бирини тушуна, яшаш жуда завқли бўлади. Биз бир-биримизни яхши тушунардик. Болалар уй саранжомлигига қарашар, мен оила аъзоларининг кийим-бошино ош-овқатини тайёрлардим. Ишқилиб, ҳаммасига улгурардик. 47 йил бўлгуси педагогларга "Ҳажон адабиёти", "Нотиқлик санъати" каби фанлардан сабоқ берганман. Бугунги кунда шоғирдларимнинг ҳам сочларига оқ тушган, таълим даргаларига айланишган. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида шоғирдларим бор. Байрамларда, яхши кунларда йўқлаб, келиб туришади. "Мени танидингизми устоз?" дейишади. Қараб туриб: "Сен Дилоромсан, сен Саидасан, сен Хуснорасан", дейман. Кўзларидан танийман уларни.

– Асар ёзилишидаги қувонч ва изтироблар ҳақида ҳам гапириб берисангиз.

– Асарни ёзиб тугатганларида, улар нашрдан чиққанида кўзлари қувончга тўлганини кўрардим. Агар асар фожели тугаса...

1980 йилда қайнонам оламдан ўтдилар. Бу киши жуда қаттиқ қайғуга ботдилар. Буни кўрган адабиётшунос-олимлар адибни "Сижжак"ка дам олишга олиб кетишди. Ушанда: "Ўтқирхон, сиз бу изтиробларингизни қозога туширинг. Сизда бунга иқтидор бор-ку", деб маслаҳат беришди. "Дунёнинг ишлари" асарининг энг охириги болари бўлган "Илтижо" билан "Оқ мармар, қора мармар"нинг ёзилишига шу маслаҳат туртки бўлган. Бу асарнинг барча боларини она – Пошшо ойм сиймоси бирлаштириб туради, бу адиб томонидан ўз оналарига бўлган, барча ўзбек оналарига қўйилган ҳайқалди.

Ёзувчининг йиғлаганига уч марта гувоҳ бўлганман. Биринчиси, қайнонам оламдан ўтганларида, иккинчиси, "Оқ мармар, қора мармар"ни ёзиб тугатганларида. Учтинчиси, "Икки эшик ораси" романини ёзаётганларида. Ушанда

тасвири орқали кириб борди ва халқ меҳрини қозонди. Адибнинг ўзи айтганлар: "Китобхон меҳрини ялиниб ҳам, зурвонлик қилиб ҳам, сотиб олиб бўлмайдил".

Халқ ўзининг дардини тушунадиган, қалбига яқин бўлган ижодкорни севади. Бундай бахтга эришиш жуда мушкул. Адибга ана шундай саодат насиб этганидан бахтиёрман.

– Асарларининг биринчи ўқувчилари қимилар эди?

– Қирқ йил давомида ёзувчининг яратган асарлари қандай туғилганига гувоҳман. Адиб янги асар ёзиш пайтида ҳаёлчан, бироз тажанг бўлиб қолардилар. Ижодхоналарига кириб кетиб, кечаю-кундуз бутун борлиқни унутиб ёзар эдилар. Асар битмагунча ҳеч кимга кўрсатмас эдилар. Агар ёзганидан кўнгли тўлса, чехралари очилиб, қўлёмани бизга берардилар. Шу тарика фарзандлар билан бирга қўлёмани биринчи бўлиб ўқиш бахтига мушарраф бўлардик. Асар ҳақидаги фикрларимизни оғринмай инобатга олардилар. Сўнг деярли барча асарлари Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Иброҳим Ғофуров, Абдуғофур Расулов, Носир Фозилов, Тўлқин Расулов каби устозлар ва дўстлари, ҳамкасбларининг назаридан ўтказиларди.

ижодхоналарига кирсам, кўзлари тўла ёш, йиғлаб ўтирибдилар. Менга қарадилар-да: "Мунавварни ўқиб кўйдим", деб чиқиб кетдилар. Қарасам, қўлёмаларига ҳам кўз ёшлари томчиллабди... Ана шундай, ижодкорнинг қувончи қайғуси ҳаммиса бирга юради.

"Тушда кечган умрлар"да Рустам афгон урушидан қайтиб келиб, ўзини ўлдирганида ҳам жуда қаттиқ изтироб чекканлар.

– Устознинг ушалмаган орзу-армонлари бормиди?

– Адиб шоира Нодирабеғим ҳаёти ҳақида тарихий роман ёзишга киришган эдилар. Афсус, тугата олмадилар. "Аяси, шу романни ёзишга улгуролмай қолдим, ҳали қилолмаган, қилишим керак бўлган қанча ишларим бор эди", дедилар. Энди буларнинг ҳаммаси армон...

"Дафтар хошиясидаги битиклар"даги ҳар бир фикр бир асар бўлишга арзиди: "Меҳр", "Умр"... Қани эди иқтидорли бир ижодкор ишини давом эттирса-ю, шу битикларни катта асарга айлантирса...

– Ҳаётдан олган сабоқларингиз...

– 81 йил яшаб шуни англадимки, ҳаёт – кураш, ҳаёт – ўқмоқ, ҳаёт – бардош, ҳаёт – сабр – тоқат, ҳаёт-ирода, ҳаёт – матонат, ҳаёт – кечира олиш кучидир!

Бир муаммо пайдо бўлдимми – айбни

– Устознинг ҳеч кимга ўхшамасган, ўзига хос хислатлари ҳақида гапирсангиз.

– Жуда адолатпарвар инсон эдилар. Ноҳақликни кўрсалар "ёниб" кетардилар. Бу хислатлари асарларида ҳам акс этган. Шу билан бирга, камсукум, жуда хокисор инсон эдилар. Шу қадар камтар эдилар-ки, ҳеч қачон бирон бир жойда ўзини кўрсатишга ҳаракат қилмаганлар, таъмағирлик деган иллат уларга бегона эди. Оддий яшашни, оддийликни яхши кўрар эдилар. Ҳашаматли ҳаётга интилаганлар ва дабдабани ёмон кўрардилар. Бу характер менда ҳам бор. Мен ҳам дабдабани ёқтирмайман ва зеб-зийнатга умуман қизиқмаганман. Бу бизнинг ўй-шаш томонларимиз.

Шу билан бирга, у киши ўта самими, қалби тоза, хушфёъл, шинаванда, одамхон инсон бўлганликлари учун бўлса керак, дўстлари, шоғирдлари кўп эди. Ёш ижодкорларни қўллашга интилар, устозларини ҳурмат қилар, улар билан ака-укасидек яқин муносабатда бўлар эдилар. Бу "Шумликлар"га кирган ҳангомаларда ҳам акс этган.

Жуда тиришқоқ ва меҳнаткаш эдилар. Ижод жараёнида ўзларини аямас, ўзларига нисбатан ўта шафқатсиз эдилар. Ижодхоналарига кириб, бир асарни ёза бошласалар, кечаю-кундуз бош кўтармай ишлар эдилар. Айнқиса, асарни тугатганларидан кейин ҳар бир сатрни қайта кўриб чиқишга катта эътибор қаратар эдилар. Бирон сўз такорро ишлатилмаслиги керак эди.

Бир гал Абхазиянинг Пицунда шаҳрига бордик. Ёзувчилар ижодий уйи томонидан ажратилган хонага жойлашдик. Мен болаларни денгиз бўйига олиб бораман, у киши хонадан чиқмай ишга шўнғидилар. Орадан 10 кунча вақт ўтди. Бир кун хонага қайт-сак, ёзган 100 бетча нарсанини йиртиб ташлаётдилар. Қўлёманинг бир қис-

– Оилада қандай тартиб-интизомга риоя қилинар эди?

– Оиламизда ота мавқеи ниҳоятда баланд тутилган. Бу менга раҳматли қайнонамдан ўтган. Улар қайнотамни жуда ҳурмат қилганлар. Фарзандларига отанг келаяптилар, десалар, болаларининг ҳаммаси жимлик ва тартиб-интизомни сақлаб, ота хурматини жойига қўйишган. Нафақат фарзандларим, балки невараларим ҳам уларга ўхшашини орзу қиламан. Мен ҳам болаларимга: "Аданг ишляяптилар" десам, шу сўзининг ўзи кифоя эди. Ҳовлимиз шундай тинч ва сокин бўлиб қоларди-ки,

Бош муҳаррир: Ислам ҲАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-14 (144);
Котибият — 71 288-42-12 (132);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (141) факс;
Кабулхона — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15
Реклама бўлими —

Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова
Навбатчи — Абдуғани Солиқов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарк тонги» кўчаси, 23-уй.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

info@adolat.uz
adolat@95@mail.ru



1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Өфсет усулида босилган. Бюрогма Г — 1200

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Адади — 2175
Босингга топширилган вақти — 21.00
Босингга топширилган вақти — 21.00
Баҳос келишидан нархда
Таҳририятга келган қўлёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.